Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 106 (7. 195) 1990 йил 11 май, жума Баҳоси 3 тийин

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



⊙ Анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Т. Каримов сурати.

⊙ БУГУН Тошкент область партия комитетининг катта мажлислар залида XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференция ишчи органлари: ҳайъат, таҳририят, мандат ва муҳарририят комиссияларини сайлади.

Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларининг амалга оширилиши, шаҳар партия ташкилотида қайта қуришнинг бориши ҳақидаги ҳисоботи.

2. Тошкент шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида.

4. КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида.

5. Шаҳар партия ташкилоти раҳбар органларини сайлаш.

6. Шаҳар партия ташкилоти номидан юқори партия органлари таркибига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Компартияси ва КПССнинг съездларига делегатликка номзодлар ҳақида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қисқача кириш нутқи сўзлади.

Сўнгра конференция делегатлари илгаридан танишиш имкониятига эга бўлган Тошкент шаҳар партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилишга киришдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовлар иштирок этмоқдалар.

Сўз—анжуман қатнашчиларига

Таклифлар, мулоҳазалар, муаммолар



Х. ҚОДИРОВА,

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиса.

—Иттифоқимизнинг барча жумҳуриятларида хотин-қизларимиз учун оддийгина буюртма столлари яхши йўлга қўйилган. Бизда фақат ишлаб чиқариш корхоналаридагина мавжуд. Нега энди буни маҳаллаларда, мавзеларда ташкил қилиш мумкин эмас? Эрта тонгда зарур буюмини, озиқ-овқатини аёл ўша ерга буюриб кетса, ишдан қайтишда осонгина олиб кетаверади.

Ўзи жумҳуриятларда уч нафар фарзандли она кўп болали ҳисобланади ва унинг учун ҳар қандай имтиёзлар яратиб берилган. Уларга алоҳида ғамхўрлик қилинади. Бизда она лоақал боласи учун колготка ёки кундалик дафтари қидирмаса эди. Бу нарсада қандайдир тўсқинлик бор демоқчи эмасман, лекин эътибор ҳам йўқда. Масалан, Фрунзе районида яшовчиларнинг 60 фоизи аёллар. У ерда бемалол кичик-кичик касаначилик ишхоналарини очиш мумкин. Фақат бунинг учун маиший хизмат муассасалари масъулиятни зиммаларига олишлари керак-да!

Боласини боғчага жойлаштира олмаган аёл ишлаш имкониятига эга бўлмайди. Ёки она иш билан бандлиги туфайли болалар қўпинча қаровсиз қолади. Шунинг учун боғча масаласи билан ёнмаён кам соатли ишга ўтказиш муаммосини ҳал қилиш керак. Ҳозир албатта бу борада «Малика», «Шарқ гули» ва тўқимачилик комбинати сингари корхоналар дастлабки қадамни ташлашди. Аммо бу кам. Аёлларимиз оғирини енгиллаштиришимиз зарур бўлган иш кўп, уларнинг дарди ҳам кўп. Демак, биз ўзимизни ҳар бир аёл қалбига тўла йўл топа олляпмиз, деб айта олмаймиз. Уларнинг дардини дадил айта олганимизча йўқ...



О. ДАДАБОЕВ,

Бектемир районидаги 289-мактаб директори.

— Районимизнинг янги ташкил топгани ҳаммангизга маълум. Унда қўйилаётган муаммолар ҳам бошқаларникига нисбатан жуда катта. Катта деб нимани назарда тутаяпман. Даволаниш учун оддий касалхона йўқ. Қўшни районларга боришга тўғри келади. Сув масаласи чатоқ. Асли Бектемирни тошлоқ устидаги район, деб атаса ҳам бўлади. Яна у ерга йирик қувватни талаб қилувчи мотор заводи тушган. Бу ўз-ўзидан ишчи кучига танқислик сездириб қўйди. Ҳозир корхона биргина шу муаммони ҳал қилиш устида бош қотиряпти.

Миллий ишчиларни етказишда бизнинг мактаб нима қиляпти дерсиз? Тўғри, ўқувчиларимизнинг аксарияти заводга ишлаш учун боришяпти. Аммо мактабимизда биттагина ўзбек синфи бўлиб, қолганлари рус тилига ихтисослашган. Ҳудудимизда миллий ишчиларимизнинг фарзандлари йўқ эмас. Бунинг учун мактабда жой масаласи кўндаланг туради. Кўряпсизки, ҳар бир муаммо бир-бирига боғланиб ечилишни талаб қилиб турибди. Бирини қўйиб, иккинчисига ўтиб бўлмайди. Умуман, бу муаммоларни ҳал этиш биз, коммунистлардан катта масъулият талаб қилади. Амалий натижага эришсаккина одамлар бизга эргашишади, муҳими ишонишади. Бектемирликларнинг етти нафар делегати бугунги конференция ишида ўз муаммоларига жавоб топадилар, деб умид қиламан.



С. СУДИРОВА,

Акмал Икромов район суд маҳсулотлари комбинати етакчи ниженери.

— Жамиятимизда қайта қуриш палласи бошланиш арафасида мен партия сафига кирдим. Болалар овқатини тайёрлаш цехимизда ҳам, атрофимдаги одамлар ҳам партияга нима учун ўтаётганлигим билан қизиқишди. Ҳатто шундай оғир паллада коммунист бўлиш сенга зарурми дейдиганлар ҳам бўлди. Менимча, ўз эътиқодига суянган, ишонган одам у қандай шароитда бўлишидан қатъий назар эътиқодида қолаверади. Корхонамизда мавжуд муаммоларни жамоат ишидаги иштироким билан ҳал қилишга ҳаракат қилдим. 1988 йилдан эса шаҳар партия комитетининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатяпман.

Иш билан бандлик нафақат шаҳримизда, балки жумҳуриятимизда долзарб бўлиб турган муаммолардан. Шу сабабдан ҳам жумҳурият Вазирлар Кенгаши томонидан ўтган йили айни мана шу масалани ҳал этиш тадбирлари белгилаб чиқилди ҳамда шаҳар ижроия комитети қошида иш билан бандлик масаласи бўйича махсус комиссия тузилди. Комиссиянинг вазифаси энг аввало аҳолининг ишсиз қисмини рўйхатга олиш, уларни зарур иш жойлари билан таъминлаш. Масалан, уйларига ёки ҳудудларига яқин жойлардан иш топиб бериш, айниқса кўп болали, кам даромадли аёлларни ишга жойлаштириш шулар жумласидандир. Албатта, бугун бу соҳада мақтанишга арзигулик иш қилинди, деб айтолмайман. Аммо озгина бўлса ҳам қилган ишларимиз ўз натижасини бераяпти.

Суҳбатдош Ф. ҲУСАНОВА.

УЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИГИДАГИ МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда аҳоли шахсий хўжаликларининг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун уларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1. 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришда улар аҳолига сотадиган хашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинсин.

Ўзбекистон ССР Давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак, 1991 йилда 550 килограмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишини таъминласинлар. Ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларга нисбатан кўпайтирилиши кўзда тутилсин.

2. 1990 йилда аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ҳар бир шартли бош молга ўрта ҳисобда (ҳар бир сигирга) камида 150 килограмм аралаш ем, 30 килограмм шулҳа, 50 килограмм кунжара ва шрот, 1991 йилда 160 килограмм омихта ем, 60 килограмм шулҳа ҳамда 50 килограмм кунжара ва шрот ажратилсин. Келгуси йилларда ана шу нормаларни кескин ошириш имконияти қидириб топилсин.

3. Ҳар бир посёлка қишлоқ ва Овул Совети ҳузуридаги халқ депутатлари ва фаоллардан иборат комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг зиммасига давлат ресурсларидан бериладиган ем-хашакларни, шунингдек колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликлари учун ажратадиган хашак ва ширали ем-хашакни тақсимлаш вазифаси юклатилсин. Ем-хашак келишиб олинган нархларда сотилсин, айрим хўжалик, район ва умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартномалар тузиш рағбатлантирилсин.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ҳамда район ва шаҳар ижроия комитетлари давлат ресурсларидан аҳолига ажратиладиган ем-хашак жамғармаларининг эгалари эканлиги белгилаб қўйилсин, улар посёлка, қишлоқ ва овул Советларига ана шу ем-хашакни сотиш учун тақсимлаб, айни вақтда талонлар билан таъминлайдилар. Посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг комиссиялари аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан, Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали кучли ем-хашак, шунингдек шахсий хўжаликларда рўйхатга олинган ҳар бош мол ҳисобидан колхоз ва совхозлар ажратадиган хашак ва ширали ем-хашак сотиб олиш учун талонлар беради.

5. Ўзбекистон ССР Давлат қишлоқ хўжалик кооператив комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига бошқа регионлардан келтирилаётган наслдор қорамоллар, шунингдек республика колхоз ва совхозларида етиштирилаётган наслдор ва насли яхшиланган моллар ҳисобидан ёш бузоқлар ва паррандалар сотишни кўпайтирсинлар.

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Советида гражданларнинг шахсий хўжаликларидаги молларга зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар ташкил этилсин.

6. Ўзбек агросаноат банки аҳолига улар мол ва паррандаларини сотиб олишларида ёрдам кўрсатиш учун колхоз ва совхозларнинг талабномаларига мувофиқ кредитлар ажратилсин.

7. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

ушбу фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин, унда колхоз ва совхозларни ем-хашакни кўпайтиришга рағбатлантириш ва ем-хашак билан аҳоли хўжаликларини устун даражада таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтирганлик учун ем-хашак билан натура тарзида ҳақ тўлашни кенг жорий этиш юзасидан тадбирлар туркуми кўзда тутилсин;

ушбу фармонни бажариш устидан қатъий назорат ўрнатилсин ва ярим йилда бир марта системали равишда унинг рўёбга чиқарилиши тўғрисида маълумот берилсин, текшириш материаллари матбуотда ёритилсин ва телевидение орқали эшиттирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда шу йил 2 май куни Андижон шаҳрида рўй берган оммавий тартибсизликлар ҳамда шаҳарда ва областда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга оид шошилинч тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов дастлабки ахборот берди.

Андижон шаҳридаги оммавий тартибсизликлар, деди у, энг аввало область ва шаҳар партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг беғамлиги ва хотиржамлиги, улар аллақачон етилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида тадбирлар кўрмаганлиги натижасида рўй берди. Улардан кўпчилигининг калтабинлиги, фавқулоддда вазиятларни олдиндан кўра билмаслиги ва огоҳлантирмаслиги, саросимага тушиб, чорасиз бўлиб қолиши воқеаларнинг кенг ривожланишига кўмаклашди.

Шаҳарда ва умуман Андижон областида ёшлар дам олишини ташкил этишнинг масъулиятли соҳалари билимсиз, сиёсий жиҳатдан масъулиятсиз кишиларга ишониб топширилганлиги, ўтган йилги Фарғона воқеаларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга доир йўл-йўриқларидан зарур сиёсий хулосалар чиқарилмаганлиги хавотирлик уйғотади. Савдода ва маиший хизмат соҳасида ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчиликка, чайқовчиликка, порахўрликка ва бошқа хил қонун бузишларга қарши кураш зарур даражада ҳужжорлик ва қатъият билан олиб борилмаётганлиги меҳнаткашларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси М. И. Иброҳимовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди. Айни пайтда рўй берган тартибсизликлар игвогарона тусда бўлиб, шаҳар ва областнинг ҳозирги ва собиқ раҳбарлари йўл қўйган жиддий нуқсонларнинг натижаси бўлганлиги таъкидланди. Уларнинг кўпчилиги четдан кузатувчилар мавқеини эгаллаб келдилар ва эгаллаб турибдилар, одамларнинг ишлари ва биринчи галдаги ташвишларига ҳамдард эмаслар.

Андижон шаҳридаги воқеаларни, уларнинг сабабларини оммавий ахборот воситалари етарли даражада ёритмаганлиги айтиб ўтилди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон шаҳридаги тартибсизликларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиш учун ташкил этилган комиссиясига маҳаллий партия, совет, хўжалик идоралари ва жамоатчилик билан биргаликда областдаги вазиятни барқарорлаштиришни, тартиб ва интизомни йўлга қўйиш, шаҳарда ва областда соғлом маънавий-ахлоқий ва психологик вазиятни вужудга келтириш юзасидан барча зарур чораларни кўриш вазифаси топширилди. Энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга доир бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, республиканинг партия, совет органларига, министрликлари ва идораларига тегишли топшириқлар ва тавсиялар берилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида шаҳар, район ҳисобот-сайлов партия конференцияларининг якунлари ва область конференцияларига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Ўз ишини тамомлаган конференциялар умуман ошкора фикрлашув, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил этиш, коммунистларнинг партия тақдири ва обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида ўтганлиги таъкидланди. Бу эса сайлаб қўйиладиган органларни шакллантиришда демократик ёндашувларни ривожлантиришга кўмаклашди. Шаҳар ва район партия конференциялари сабоқларини ҳисобга олиб, докладларнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жиҳатларига эътиборни қаратиш, сайлаб қўйиладиган идоралар аъзоларини ва делегатларни материалларни тайёрлашда энг кўп даражада ишга солиш, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларида баён этилган энг муҳим масалалар юзасидан аниқ-пухта мавқени эгаллаш таклиф этилди.

Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг асосий ҳужжатларини ҳар қандай тайёрланаётганлиги ва партия турмушининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

ТАФСИЛОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг кечаги сонида босилган «Жиноятчи қидирилмоқда» сарлавҳали хабарда 1990 йил 3 май куни Тошкент шаҳрининг Ҳамза райони ҳарбий комиссариатининг навбатчилик қили. надиган хонасида эрталаб тахминан 6.30 дан 7.40 минутгача бўлган даврда навбатчи офицер майор Бочинский ов милтиғидан ёки қирқма милтиқдан отиб ўлдирилганн, жиноятчи воқеа содир бўлган жойдан яширинганн ва шу вақтгача унинг шахси аниқланмаганлиги, қотилни ҳарбий прокуратура, милиция ва давлат хавфсизлиги органлари қидираётганлиги айтилган эди.

Бугун ҳарбий прокуратурадан хабар қилишларича қотил ушланган. У Сергели районида яшовчи, 30 ёшли рус миллатига мансуб бўлган С. фамилияли шахс бўлиб шаҳримиздаги ширкатлардан бирида ишлаган. Майор Бочинскийни қасддан ўлдирган қотил устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Вилоят партия комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Тошкент сут комбинати партия ташкилотининг чиқарилаётган маҳсулотлар хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан олиб бораётган иши муҳокама қилинди.

Комбинат партия ташкилоти бу йўналишда муайян иш қилаётганлиги таъкидланди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида маҳсулотларнинг 18 та янги хили ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда 70 дан ортиқ номда маҳсулот чиқарилмоқда. 1989 йилда планга қўшимча 284 минг сўмлик товар сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришда эришилган ютуқларга қарамай, коммунистлар куч-ғайратини ишлаб чиқариш фаолиятини янада такомиллаштириш, сут маҳсулотлари хилини кўпайтириб, юқори сифатли бўлишини таъминлашга сафарбар этиш борасидаги партия иши тубдан яхшиланган йўқ.

Комбинатнинг Янгийўл ва Чилонзор филиалларидаги цехларда кўпчилик ишлаб чиқариш жараёнлари етарли даражада механизациялаштирилмаган ва автоматлаштирилмаган. Бу цехлардаги аксарият ускуналар эскирган. Ювиш ва тозалаш воситалари, эҳтиёт қисмлар, ўраш материаллари, тайёр маҳсулотни ташийдиган ихтисослашган транспорт йўқлиги туфайли технология жараёнлари бузилмоқда ва ускуналар ишламай туриш ҳоллари рўй бермоқда. Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология хизмати тайёр сут маҳсулотини текшириб кўрганда маҳсулотларнинг бешдан бир қисми мавжуд давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Маҳсулотларнинг ифослик даражаси йигирма ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилади. Юқумли касалликлар келтириб чиқарадиган микроблар борлиги аниқланди. Ёғ, қанд ва бошқа таркибий моддалар етарли даражада солинмаслиги, тайёр маҳсулотнинг вазнидан уриб қолиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Аниқланган хатоликлар натижаларига кўра ўтган йили болалар овқатлари цехи, сузма, қаймоқ линиялари ва бошқа участкалар иши бир неча марта тўхтатиб қўйилди.

Шунга қарамай, комбинат партия комитети камчиликларни бартараф этишнинг аниқ амалий чораларини ишлаб чиқмади. Бу иш партия комитети фаолиятида лозим даражада эътиборда бўлмади.

Раҳбар коммунистларнинг ўзлари бошчилик қилаётган иш участкаларидаги аҳвол учун шахсий масъулиятини кўтариш мақсадида партия комитети коммунистлар ҳисоботларини эшитиш усулидан яхши фойдаланмаяпти. Уларнинг ўз хизмат вазифалари ва Устав талабларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитмаяпти. Раҳбар коммунистлар ва мутахассисларнинг ҳисоботларини партия йиғилишлари ва партия комитетлари мажлисларида муҳокама қилиш юзаки ўтмоқда, уларда партиявий талабчанлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид йўқ. Қабул қилинаётган қарорлар назорат қилинмайди ва бу қарорларнинг тарбиявий таъсири сезилмайди.

Бюро мажлисида шунингдек, вилоят колхоз ва совхозларидан етказиб берилаётган хом ашё сифатсизлиги ҳам чиқарилаётган сут маҳсулоти сифатига анчагина таъсир қилаётгани айтиб ўтилди. Вилоят санитария-эпидемиология хизмати вилоят хўжаликларида сут соғишнинг ва унга дастлабки ишлов беришнинг санитария қоидалари қўпол равишда бузилаётганлик ҳолларини аниқлади. «Агроснабремонт» жумҳурияти ва вилоят бирлашмалари комбинатга, тайёрлов пунктларига, сут-товар фермаларига етарли амалий ёрдам кўрсатмаяпти, уларни ювадиган воситалар, эҳтиёт қисмлар, идишлар, махсус ускуналар ва механизмлар билан таъминламаяпти. Тошкент шаҳар савдоси тармоғида сут маҳсулотларини сотадиган ихтисослашган магазинлар йўқлиги сабабли комбинат маҳсулотларининг бир қисми ўз сифатини йўқотиб, айниб қолмоқда.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда комбинат партия комитетининг чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги иши етарли эмас, деб баҳоланди. Партия комитети зиммасига раҳбарлик, жамоат ташкилотлари билан биргаликда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, чиқарилаётган сут маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш бўлинмалари иши устидан амалий назоратни йўлга қўйиш, коммунистларнинг ўзлари бошчилик қилаётган жойлардаги ишнинг аҳволи учун масъулиятини кучайтириш юзасидан аниқ амалий тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар А. Икромов ноҳия партия комитети, ноҳия партия комитетлари, вилоят агросаноат уюшмасининг, колхоз ва совхозларнинг коммунист раҳбарларига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Вилоят партия комитети бюросининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ вилоят партия ташкилотида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларга ўртача 85,1 фоиз киши келган, 16 минг 79 киши сўзга чиққан, улардан 2546 нафари (15,8 фоизи) партиясизлардир.

Цех партия ташкилотларида бўлган йиғилишларда ҳисобда турган коммунистларнинг 86,5 фоизи қатнашди, улардан 12122 киши сўзга чиқди.

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг 66 фоиздан ортиғи ва цех партия ташкилотлари котибларининг 55 фоизи икки ва ундан ортиқ номзоддан муқобил асосда сайланди.

Бошланғич ва цех партия ташкилотларидаги йиғилишларда ёки партия ташкилотларининг бюро мажлисларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларида ташкилотчилик ишлари, партия аъзоларини қабул қилиш ва партиядан чиқариш масалалари кўриб чиқилди. Коммунистларнинг фаоллик даражаси, уларнинг партия топшириқларини бажаришдаги ташаббускорлиги ва интизомлилиги ўрганилди. Партия ташкилотларининг ишида камчиликларга йўл қўйган 1200 дан ортиқ коммунистга партия интизомий жазолари берилди.

Бюро мажлисида Тошкент шаҳар партия комитетининг, Бекобод, Калинин, Чиноз ноҳия партия комитетларининг, Тошкент область партия комитетининг ишлари ҳам муҳокама қилинди. Бу партия комитетларида партия ташкилотларининг ишларига раҳбарлик қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва партия ташкилотларининг ишини назорат қилиш ишлари қониқарсиз ташкил этилгани, партия комитетларининг ўз олдиларига қўйган вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишда ташкилий ва амалий ишларни кам олиб бораётгани, партия ташкилотларининг ишини ўз вақтида умумлаштириб, ундан хулосалар чиқариб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бормаётгани, партия ташкилотларининг ишини ўрганишда ва уларга ёрдам кўрсатишда формализмга йўл қўйил

Бу сатрлар биринчи навбатда юқори ва қуйи ташкилотларда атамалар билан шуғулланувчи катта-кичик комиссияларнинг эътиборига ҳаволадир. Турғунлик ва ундан илгариги даврларнинг иллатларидан бири — жойларнинг номларини пала-партиш ўзгартириш, чуқур ўйламай-нетмай нотабиий номлар қўйиш бўлди.

ЙИГИРМАНЧИ-ўттизинчи йилларда, ундан кейин ҳам, бирор катта амалдор вафот этса, унинг номини ўринли, ўринсиз ҳамма ёққа қўйиб ташлаш расм бўлган. Масалан, жумҳуриятимизда ва Тошкентда бир номда ҳам районлар, ҳам кўчалар, ҳам мактаблар, ҳам боғлар бор. Эндиликда ўша йўл қўйилган хатолардан тегишли хулоса чиқаришимиз, сабоқ олишимиз лозим.

Биз яшаб турган маҳалла милодий 712 йилдан буён Оқилон деб аталиб келинади. Тарихнинг шаҳодат беришича, Оқилон билан Камолоннинг ёши тенг экан. Камолонда камолот эгалари — етук аждодларимиз манзил қуришган бўлишса, Оқилонни эса оқил аждодларимиз истиқомат учун танлашибди. Аниқроғи, халқнинг ўзи етук кишилар макони бўлган жойни Камолон, оқил кишилар яшаган масканни Оқилон деб атай бошлаган. Оқил кишилар яшаш учун қулай, серҳосил, сўлим, ҳавоси мусаффо, суви мўл, ернинг қиялиги мўътадил жойни танлаганлар.

Қиялик кескин бўлса, сув тез оқиб, ер устининг ҳосилдор қисмини оқизиб кетади, агар қиялик сезилмаса, сув туриб қолиб, ёзда чивин кўп бўлади. XVI аср муаллифи Зайниддин Восифий таърифлаган сўлим Тошкент боғларидан бири худди шу Оқилон маҳалласида, ҳозирги Шерозий ва Жемчужная кўчалари кесишган ерда барпо этилган. Бу боғ Гулбоғ номи билан жуда машҳур бўлган. Қайсики улуғ ёки машҳур сиймо Тошкентга ташриф буюрса, юрт эгалари ва зиёлилари уларни ёз кезлари Гулбоққа таклиф этганлар, меҳмон қилганлар. Айтиш мумкинки, Гулбоғда тошкентлик тарихчи, аллома, фузало, уламо, шуаро, ҳофизлар Камий, Алмаий, Ҳислат, Мискин, Тавалло, Абдулла Қодирий, Тўйчи ҳофизлар қаторида Фурқат сингари меҳмонлар ҳам бўлишган. Шарқшунос Лазиз Азиззоданинг ёзишича, 20-йилларда Тошкент раҳбарларидан бири бўлган кезларида Ҳамза, Тамарахоним сингари адабиёт ва санъат аҳлини Гулбоғга таклиф этиб, меҳмон қилган. Хуллас, Оқилон маҳалласининг 1300 йилга яқин тарихи бор.

Кейинги ярим аср ичида Тошкентнинг марказидан, Хадра, Қоратош атрофларидан ҳамда бошқа жойлардан кўчиб келган кишилар ҳисобига Оқилон аҳолиси кўпайиб, маҳалла иккига бўлиниб, Биринчи Оқилон ва Иккинчи Оқилон деб атала бошлаган эди. Маъмурий-буйруқбозлик йилларида Иккинчи Оқилонга ўзбошимчалик билан «Авангард» номи бериб юборилганида маҳалла аҳли анчадан кейин хабар топди. Гарчи ҳозир қайта қуриш, ошкоралик, демократия замони бўлса-да, яқинда худди ўшандай ҳол юз берибди, бундан кейин, тўғрироғи, телевизор орқали воқиф бўлдик. Маҳалла комитетидаги айрим шахслар, Оқилон тарихидан бехабар ва бу мўътабар тарихга беписанд қаровчи шахсларнинг «ташаббуси» ҳамда уларнинг чапакбоз қўлловчилари томонидан «Авангард» номини «Наврўз» деб аташибди. Бу хабардан туб оқилонликлар қаттиқ изтиробга тушдилар. Ахир, уларнинг авлод-аждодлари, етти пуштигина эмас, етмиш пуштигача дунёнинг қаерларига бормасинлар, кимлар билан суҳбат қурмасинлар, ўзларининг оқилонлик бўлганликлари билан ҳақли равишда фахрланиб келар эдилар-да. «Оқилон» деган бой тарихий кечмиш ўрнига «Наврўз» дея тарихни янгитдан бошлашга нима ҳожат бор экан?!

Келинглар, тарихий жой номларини муқаддас деб билайлик, дахлсиз деб тан олайлик. Ҳар бир авлод ўтмишни, аждодларни ҳурмат қилса, уни ҳам келгуси авлод иззат қилгусидир. Шунда ўтмиш билан келажак аро уйғунлик бўлади, биз — замондошлар эса олтин кўприк вазифасини ўтаган бўламиз. Маҳалламизга ўзининг азалий, тарихий номи — «Иккинчи Оқилон»ни қайтариб берсак ва қайтариб ола билсак, ўтмиш билан келажак ўртасидаги вазифамизни манзилимиз бўйича ўта олган бўлур эдик.

Нуқтаи назар

ТАРИХИЙ НОМЛАР— ХАЛҚ ХОТИРАСИ

Мен юқорида асосий мақсадни ўзимга аниқ ва яқин бўлган бир маҳалла мисолида ифодалаб ўтдим. Аслида бу савдо кўплаб тарихий номларнинг бошига тушган ва ҳамон тушиб турибди. Бу борада бутун мамлакат, бутун жумҳуриятимиз бўйича минг-минглаб мисоллар келтириш мумкин. Бешёғоч майдонини Комсомол майдони деб кўрдик, Беруний номи билан атадик, ҳатто тақсимлаб, бир бурчагига Ғафур Ғулом номини ҳам бериб қўрдик. Ҳадра, Эски Жўва, Ўрда, Шайхонтоҳур ва шу каби номлар бошига ҳам тушди бу савдо.

Менимча жой номларини фармон билан қатъий қилиб қўйиш керак. Иккинчидан, шахсан менга боғлиқ бўлса, жойларни номлашда эски тарихий номини тиклаш ва асосан табиий номлар (тоғ, дарё, табиат манзаралари ва шу кабилар) билан аташни афзал кўраман. Буюк ва атоқли шахслар номини қўйишда етти ўлчаб бир кесмоқ керак, ҳаммаёқни шахс отлари билан тўлдириб ташлаш ҳам яхшимас. Афсуски, кейинги пайтларда ана шу нарсага ружу қўйилаётгани сир эмас, ҳар бир кимса ўз қариндоши ёки ўзига ёқиб қолган шахс отини бирор жойга, биринчи навбатда ўзи яшаб турган кўчага қўйишга интилаётганлар кўп учрамоқда, улар орасида ўз ниятига эришаётганлар ҳам оз эмас. Демак, жой номларини қўювчи ҳайъат аъзолари талабчанликни оширишлари, масъулиятни кучайтиришлари даркор экан.

Тоғлар, дарёлар, кўллар, сойлар, табиат манзаралари миллион-миллион йиллар туфайли. Иккинчидан, шулар номи билан аталган жойларни кўз олдингизга келтириш, жаҳон харитасидан топиш осон кўчади. Илгари Чирчиқ дарёси бўйига жойлашган Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ деган районлар бўларди, уларнинг номини эшитибоқ қаерда жойлашгани кўз олдингизга дарҳол кела қоларди. Кейин улардан иккитаси Коммунистик ва Ғалаба номлари билан алмаштирилди, ўз-ўзидан бу номлар ўша районларнинг қаерда жойлашганини билдирмайди энди. «Ғалаба» деганда районни тушунасанми ёки Тошкентдаги «Ғалаба» боғинними?

Тошкентдаги тарихий номлар унутилиб кетилаётгани, улар ўрнини асосан шахс отлари эгаллаётгани ҳақида жамоатчилик орасида ўринли эътирозлар бўлмоқда. Масалан, Октябрь мавзеини ўз тарихий номи билан Кўкча деб аташ, Ғалаба боғини Шивли деб аташ мумкин эди. Бунга яна метро бекатларидаги қатор номларни келтиришимиз мумкин. Ҳўп, булар қўйиб қўйилган экан, энди бундан буёғига тарихий жой номларини қўллашни ҳам унутмайлик.

Ҳозир жамоатчилик ўртасида 1937 йилгача Акмал Икромов номи билан, ундан кейин Пушкин номи билан аталган боғни Қодирий номи билан атаймиз, деган гап юрибди. Аслида бу боғ азал-азалдан Жанггоҳ, унинг ичидан оқиб ўтувчи сув Жанггоҳ ариғи дейилган. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, дуэлга чақириш, дуэлга чиқиш Шарқда, жумладан Туронда ҳам бўлган экан. Синчиклаб ўрганилса, Ғарбда мавжуд деярли кўп нарсаларнинг ибтидоси Шарқдан бошланган экан. Халқ достонларида икки катта қўшин тўқнашуви кутилганда, кўп қон тўкилмасин деган ниятда икки томоннинг эр йигитлари майдонга тушиб, куч синашганлар. Қайси томоннинг полвони ғолиб бўлса, ўша тараф зафар қозонган ҳисобланган. Бу халқ оғзаки ижодининг маҳсули — эл-юрт орзуси, дея қолайлик.

Лекин бундай ҳоллар турмушнинг ўзида ҳам содир бўлган. Халқ байрамларида Жанггоҳда ҳатто қўчқор, ит, хўроз, бедана уриштиришлар бўлган. Хуллас, Тошкентнинг Жанггоҳи ана шундай тарихий макон. Метро қурилиши туфайли ярим майдони топталиб кетган бу боғ қайта тикланар экан, унга ўзининг асл номи — Жанггоҳ номи қайтариб берилса, адолатли иш қилинган бўлур эди.

Тарихий номлар — халқ хотираси ҳамдир. Қайта қуриш даврида шундай иш тутайликки, эгилаёзган ҳақиқатлар қаддини ростласин. Шу билан бирга, ўзимиз ҳам бир эгилаёзган ҳақиқатни тиклайман деб, билиб-билмасдан бошқа бир ҳақиқатга зид бормайлик. Масалан, агар Жанггоҳимизга бошқа ном берилишига йўл қўйсак, шундай иш тутган бўламиз, агар Иккинчи Оқилоннинг Наврўз дейилишига томошабин бўлиб индамасак, шундай иш тутган бўламиз, ҳали Наврўз номига муҳр ишлангани йўқ, шиорлару эълонларга пул сарфлангани йўқ, билдирги (справка)га буюртма берилгани йўқ, демак, Иккинчи Оқилон номини тиклаш учун ортиқча тўсиқ йўқ ҳозирча.

Айтгандек, яқинда давримизнинг аллома тилшуносларидан бири Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарини ўзбекчага таржимаси билан тарихимиздан абадий ўрин олган, Иккинчи Оқилон маҳалласида кўп йиллар яшаб ижод қилган Солиҳ Муталлибовнинг хотира оқшомида атоқли олимлар даврасида Оқилон маҳалласининг ғарби-шимолий қисми ўрта асрларда Орифон деб аталгани ва шу ном абадийлаштирилса айни муддао экани қайта-қайта тилга олинди. Орифон номи ўрта асрларда яшаган машҳур мутафаккир Шайх Зайниддин ва унинг бутун Шарқ мамлакатларидан келган кўпсонли шогирдлари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Бу олим Кўкча мавзеидаги қадимий қабристонга дафн этилган, қабри устига маҳобатли мақбара қурилган, бу ердаги жоме масжид ва қабристон ҳам Шайх Зайниддин деб юритилади. Мана сизга тарих, мана сизга номлар. Агар Иккинчи Оқилон дейилса, ҳозир халқ орасида ишлатилаётган ибора қонунлашади, агар Орифон дейилса халқимиз тарихининг яна битта вараги ўқилади. Энди қай бирини танлаш атамалар комиссиясига ҳаволадир. Бизга эса, ҳақиқат эгилмаса бас.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи.



«Нуроний»га марҳамат

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида Ленин районининг Охунбобоев номли хиёбонида қад ростлаган «Нуроний» чойхонаси ўз эшикларини ҳамшаҳарларимизга очди.

— Бу ерга ташриф буюриб, ҳаяжондан лол бўлиб қолдим, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бир қанча жанговар орден ва медаллар нишондори Иноят Алламуродов. — Замонавий янги чойхона исми жисмига мос бўлибди. Унинг жумҳурият уруш ва меҳнат кексалари кенгаши жойлашган бинонинг ёнида тикланганига нима дейсиз. Бизга бўлган бундай алоҳида эътибордан қувонмай бўлмайди. Уруш йиллари шу дориламон кунларни деб жон олиб, жон бергандик. Чеккан заҳматларимизнинг зое кетмаганига шукр.

Иноят ака Алламуродовнинг тўлиб-тошиб гапирганича бор. Янги чойхона кексаю ёшни бирдек қувонтирмоқда. Унинг айни аҳоли гавжум жойда ишга туширилганидан ҳамма мамнун бўлаётир. Аввалларри бу ер ҳувиллаб ётар, ўтган-кетганларнинг эътиборини ўзига деярли жалб этмасди. Ленин район ошхоналар трести ташаббусни қўлга олди. Қаровсиз қолган жойда қарнялар чойхонасини қуриш таклифи билан чиқди. Бу фикр жумҳурият уруш ва меҳнат кексалари кенгаши раҳбарларига ҳам маъқул келди. Негаки, кенгашнинг ҳар хил тадбирларини ўтказишга айнан шундай жойнинг бўлиши жуда ҳам зарур эди.

— Қурилиш учун ажратилган ярим миллион сўмлик маблағни ўзлаштиришга 9 ой кифоя қилди, — дейди 10-ошхона директори Шавкат Ҳасанбоев. — Шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги 2-ремонт қурилиш бошқармаси қурувчилари чойхонани тиклашда алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Тошкентдаги «Уста» бирлашмаси мутахассислари эса бинога бадиий безак бердилар. Ҳамжиҳатлик билан қилинган иш ўз самарасини кўрсатди. Улуғ айём кунларида байрам совғаси Улуғ Ватан урушн қатнашчилари ва меҳнат кексаларини мамнун этди.





«Нуроний» чойхонаси шаҳримиздагина эмас, жумҳуриятда ҳам ягона. Унда бутун умрини партия ва халқ иши билан боғлаган, эндиликда кексалик гаштини сураётган пиру-бадавлат отахонларимиз ўзларининг ҳар хил қизиқарли тадбирларини, маросимларини ўтказишлари мумкин. Одатдаги вақтда эса чойхонада тайёрланган 10 дан зиёд ўзбек миллий таомни бу ерда бўлувчиларни хушнуд этади. Иссиқ овқатлар билан бирга отахонлар бир пиёла чой ичиб, чанқоқларини қондирадилар. Қандолат маҳсулотлари, ҳар хил ширинликлардан хўрандалар баҳраманд бўлишади.

Миллий услубда безатилган замонавий чойхона бир вақтнинг ўзида 175 хўрандага хизмат кўрсата олади. Ичкаридаги шинам залда 75 киши, ташқаридаги ҳовлида эса 100 киши тушлик қилиб, енгил дам олиши мумкин. Бундан ташқари ҳовлига ҳар бири тўрт кишига мўлжалланган 4 та сўри ҳам қўйиб қўйилган. Унга юмшоқ кўрпачалар тўшалган. Бир сўз билан айтганда, «Нуроний» ўз фойдаланувчиларига жуда қулай. Хоразмлик моҳир усталар ясаган 5 та устун ва 2 та эшик чойхонага алоҳида чирой бағишлаб турибди.

Келгусида чойхонанинг хизмат доирасини янада кенгайтириш мўлжалланаяпти. Унинг ёнида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат кексалари учун меҳмонхона ва бошқа иншоотларни қуриш кўзда тутилмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: чойхонанинг ташқи ва ички кўринишлари.

Т. Каримов суратлари.

Илм масканларида

ЙИРИК ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

ИНДУСТРИЯ педагогикаси ибораси ҳали кўпчиликка яхши таниш эмас. Шунга кўра бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида қатор ибратли тадбирлар кўрилмоқда. Тошкентдаги 1-индустриал-педагогика техникуми эса бундай кадрларнинг йирик ўчоғи ҳисобланади.

Техникум ишга тушганига 45 йил бўлди. Шу давр ичида у ҳар томонлама кенгайиб, ўқув-моддий базаси янада мустаҳкамланди. Кадрлар тайёрлаш сифати анча яхшиланди.

Техникумни муваффақиятли тамомлаган мутахассислар асосан ихтисослашган ҳунар-техника билим юртларида педагог, ишлаб чиқариш таълими усталари бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Кадрлар ёшларнинг профессионал-педагогик тайёргарлигини ошириш билан бирга амалий кўникмаларини ўстиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозир билим даргоҳида 700 дан ортиқ индустрия педагогикасининг бўлажак билимдонлари таҳсил кўрмоқдалар. Бу талабалар орасида чет эл мамлакатларидан келган ёшлар ҳам анчагина. Куба, Вьетнам, Марокко, Никарагуа ва бошқа мамлакатдан келган толиби илмлар техникум ёшларининг аҳил онласида ўз билим ва малакаларини ошириб, шарафли касб эгалари бўлиб етишмоқдалар.

А. АКБАРОВ.

Советлар мамлакатида

⊙ ТАМБОВ. Первомайский районидаги «Красная звезда» колхозининг деҳқонлари картошка экишнинг янги технологиясини қўлладилар. Улар экиш машиналарини уруғликни суюқ биопрепарат ёрдамида зарарсизлантириб берувчи мосламалар билан жиҳозладилар. Бундан ташқари, картошка туганакларига магнит майдонида ишлов беришлади. Экиш олдидан қўшимча ишлов бериш касалликлардан, зарарқунандалардан фориғ бўлиш имконини беради. уруғликларнинг ўсиш қувватини кучайтиради.

⊙ ТБИЛИСИ. ВАСҲНИЛ Закавказье бўлими гўшт-сут саноати илмий-технология марказининг, Тбилиси медицина институтининг ҳамда «Тбилмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари сутдан аллергия касаллигига қарши восита сифатида фойдаландилар. Унга хлорли кальций қўшилганидан кейин бундай сутни сигир сутидан аллергияси қўзийдиган катта ёшлилар, айниқса болалар истеъмол қилиши мумкин бўлади. Ҳозир «Тбилмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай гипоаллерген сут тайёрлайдиган энг янги линиялари бўлган цех қурмоқда.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШ



УКРАИНА ССР. Симферополь. Қизалоқнинг бошидаги оддий шпем шунчаки ёзувчи хаёлининг маҳсули эмас, Қрим кўриш қобилиятини ростлаш ва қайта тиклашнинг оптика-физиологик усуллари областлараро лабораториясининг мудири кўз доктори Л. К. Дембскийнинг конструкциясига мансуб миллиметригача ўлчаб чиқилган аппаратдир. Бу аппарат «фороптоликкомодометр» деб аталади ва узоқни кўра олмайдиган кўзларни даволаш учун хизмат қилади.

Тажрибали шифокор ва истеъдодли ихтирочи Л. К. Дембский узоқни кўра олмаслик, гиперметропия ва бошқа кўз касалликларини даволашда ёрдам берадиган қатор приборлар, аппаратлар ва мосламаларни яратган. Уларнинг аксарятини ишлаб чиқариш Қрим корхоналарида ўзлаштирилган.

СУРАТДА: доктор Л. К. Дембский ёш мижозининг бошига кўриш қобилияти сусайган кўзларини даволаш учун мўлжалланган аппаратни кийдирмоқда.

К. Дудченко (ТАСС) сурати.

Ёрдам бериш учун 60 мартадан кўпроқ боришди. Комиссия таркибида жангчиларнинг ота-оналари бор эди. Улар Узоқ Шарқ, Волгабўйи — Урал, Байкалорти, Ленинград ҳарбий округларида, Қора денгиз флотида бўлдилар. Комиссия иши натижаларига биноан масъул қарорлар қабул қилинди, қисмларда уставга биноан керакли тартиб ўрнатилди, таққирлашда, ўз мавқеини суиистеъмол қилишда ва ҳоказоларда айбдор бўлган кишилар жиноий жавобгарликка тортилди, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан жиддий камчиликларга йўл қўйган баъзи командирлар ишдан олиб ташланди.

Бу соҳада Фарғона областининг партия, совет идоралари, ҳарбий комиссариатлар жуда фаол ишлашмоқда. Уларнинг вакиллари Совет Армиясининг турли ҳарбий қисмларида йигирма мартадан кўпроқ бўлишди.

— Бундай сафарлар шунчаки сафар бўлиб қолмасмикан! Доимий отаниқ алоқаларига доир яхши мисоллар борми!

—Бор. Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қорақалпоғистон АССРни, республикамиз областларини юртдошларимиз хизмат қилаётган ҳарбий округларга бириктириб қўйиш ҳақида қарор қабул қилганидан кейин бу иш фаоллашиб кетди. Фақат 1989 йилнинг декабрида, шу йилнинг январь ва февраль ойларидагина партия ва совет идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари область ҳарбий комиссариатлари ходимлари ва аскарларнинг ота-оналари билан биргаликда Киев, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ, Карпатолди, Белоруссия, Байкалорти, Москва, Волгабўйи — Урал ва Ленинград ҳарбий округларида бўлишди. Улар бу сафарлари чоғида ўзбекистонлик жангчиларнинг реал турмуш шароитларини, ҳарбий машқларини кўриш имконига эга бўлдилар. Аскар ва сержантларни ватанпарварлик ҳамда байналмилал руҳда тарбиялаш борасида қисмларнинг қўмондонлигига катта ёрдам берилди. Ўзбекистонликлар ўзбек тилида ёзилган китобларни, миллий ўйинларни, совға-саломларни жангчиларга туҳфа қилиб олиб келишди. Республика артистларининг ижодий коллективлари Киев ва Узоқ Шарқ ҳарбий округларига бориб келишди.

Ҳозир биз республика ҳукуматига чақирилувчилар жўнаб кетаётган эшелонлар ва катта командалар таркибида партия, совет, комсомол органлари вакилларини, ота-оналарни юборишни таклиф қилдик. Бунда нимани назарда тутяпмиз? Биринчидан, хизмат жойига кетилаётганида армияга чақирилувчилар билан иш олиб борилади. Бу эса уларнинг йўлдаги хулқи-атворига, интизомига таъсир қилади.

Иккинчидан, вакилларимиз қисмга боришлари биланоқ Армияга чақирилган йигитларни қандай кутиб олишганини, қандай жойлаштирилганини, улар сафга қандай қўшилаётганини ўз кўзлари билан кўрадилар. Республикадан чақирилган ҳарбий хизматчилар билан учрашадилар, уларнинг хизматни ўташ шароитлари қандайлигини, қандай яшаётганликларини, таълим жараёни қандай ташкил этилганлигини билиб оладилар, қисмларнинг командирлари билан учрашадилар; уларга наказларни, диёримиздан олиб борилган совғалар ва эсдалик буюмларни, она тилидаги адабиёт, пластинкалар, кассеталар, музика асбобларини топширадилар ва ҳоказо. Бундай тадбир эндигина армияга чақирилганлар учун ҳам, хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳам, фарзандлари энди хизматга жўнаб кетаётган ёки хизмат қилаётган ота-оналар учун ҳам фақат фойда келтиради, деб ўйлаймиз, чунки улар фарзандлари қаерда ва қандай шароитда хизмат қилишларини билиб оладилар.

— Владимир Носирович, айрим ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат қийинчиликларига чидай олмай қисмлардан ўзбошимчалик билан кетиб қолишаяпти...

— Афсуски, кейинги вақтда шундай ҳодисаларга дуч келдик. Бу ҳақда нима дейиш мумкин? Уз қисмидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш — ҳарбий қасамни қўпол равишда бузишдир, ҳарбий жиноятдир. Бундай жиноят содир этган киши қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши керак. СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Д. Т. Язов «Известия» газетаси мухбири саволларига жавобан худди шундай деди: ҳарбий комиссариатлар ҳарбий хизматчиларни бир ҳарбий қисмдан иккинчисига ўтказиш билан шуғулланмасликларини алоҳида таъкидламоқчиман. Агар қисмда нормал хизмат қилиш учун шароит яратилмаган, салбий ҳодисалар, «қариялик» бор экан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари бу хусусдаги шикоятларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти юқори командирларига юборишлари керак.

— Владимир Носирович, ҳозирги вақтда сизни ҳарбий хизматга ёшларни тайёрлашга доир қандай муаммолар кўпроқ ташвишга солмоқда!

— Муаммолар жуда кўп. Хизматга чақирилувчиларнинг умумий таълим савияси, рус тилини яхши билмаслиги бизни жуда ташвишга солмоқда. Масалан, армияга чақирилувчиларнинг 25 фоизи рус тилини яхши билмайди. Шу сабабли ҳарбий хизматчиларга армиядаги жанговар касбларни ўргатиш, уларнинг жанговар техникани ўзлаштиришлари жуда чўзилиб кетмоқда. Айрим ташкилотларнинг, ўқув юртларининг раҳбарлари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ҳақида Қонун қабул қилингач, район ҳарбий комиссариатларига армияга чақирилувчилар учун ўзбек тилида характеристика келтириб бера бошлашди, ахир бу характеристикалар йигитлар билан бирга бутун мамлакатга жўнатилади.

Йигитларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, Самарқанд областида армияга чақирилувчиларнинг бир гуруҳи текшириб кўрилганда уларнинг ҳаммаси ҳам ГТО нормативларини бажарганлигини тасдиқланди, деб бўлмайди. Шундай далилларга ҳам дуч келмоқдамизки, «Билим» жамиятининг айрим ташкилотлари хўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан армияга чақирилувчилар орасида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ўтказган лекция ва суҳбатлари учун ҳақ тўлашни талаб қила бошладилар. Чақириқ участкалари ва йиғилиш масканлари ҳам талабларга тўла жавоб бермайди. Бошланғич ҳарбий тайёргарликни сифатли ўтказиш учун ҳамон етарли ўқув-материал базаси йўқ.

Муаммолар кўп, уларни партия ва совет органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Бу йил баҳордаги чақириқнинг ўзига хос хусусиятлари қандай!

— Баҳорги чақириқ қайта қуришнинг масъулиятли бурилиш босқичига тўғри келмоқда, бу босқичда республика ва маҳаллий Советларнинг таркиби янгиланмоқда, КПСС XXVIII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик кўрилмоқда, комсомол қайтадан тузилмоқда. Армия ва Флотда бутун турмушни демократиялаш чуқурлашиб бормоқда.

СССР Олий Советида давлат мудофаасига, ҳарбий хизматни ўташ тартибига тааллуқли муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилади. Ҳозирча эса чақириқ амалдаги «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ўтказилади. Мен Ўзбекистон ССРнинг чақирилиш ёшидаги барча гражданларини, уларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғларини юксак гражданлик масъулиятини ҳис этишга ва чақириқни уюшқоқлик билан ўтказишга даъват этаман.

— Пировардида бўлажак жангчиларга қандай истаклар билдирасиз!

— Армия — Ватан соқчилигида турган, халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлайдиган халқ, давлат фарзандидир. — Бинобарин, армияга муносабат, армияни тўлдириш давлат аҳамиятига молик иш бўлмоғи керак. Бўлажак жангчилар ва уларнинг ота-оналарига тилагим шуки, йигитлар ҳарбий хизматга олдиндан тайёргарлик кўришсин. Яхши умумий таълим, рус тилини яхши билиш, жисмоний чиниқиш, армия турмуши қийинчиликларига маънавий жиҳатдан тайёр бўлиш, мураккаб вазиятда ўзини йўқотиб қўймаслик, оддий хавфсизлик чораларини билиш, хизмат яхши ўтишининг кафолатларидир. Ана шу фазилатларни армияга чақиришдан анча олдин тарбиялаш лозим. Ана ўшандагина армия сафига қўшилган йигит тез орада Ватанни ҳимоя қилишга ва ўз қадр-қимматини муҳофаза этишга қобилиятли чинакам аскарга айланади.

Яна шуни илова қилмоқчиман: юқорида айтганимдек, Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси қарор қабул қилди. Бу қарорда қуйидагилар баён қилиб берилган:

— Ўзбекистондан армияга чақирилиб, ҳарбий-қурилиш қисмларига юбориладиган йигитларни тинч даврда хизматни ўташ учун фақат республика ёки Туркистон ҳарбий округи территориясида қолдириш;

— Ҳақиқий хизматдаги ҳарбий хизматчиларга ҳар йили отпуска бериш;

— Ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига бир йўла ва доимий пул нафақаси белгилаш;

— Ўзбекистон ССР территориясида суворовчилар ҳарбий билим юртини ташкил этиш ҳамда унга 70—80 фоизини туб миллат йигитларидан олиш.

СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари СССР Мудофаа министри Д. Т. Язов билан учрашиб, ушбу қарорнинг мазмунини СССР Олий Совети раҳбарларига етказдилар. Қарорда баён қилинган кўпгина тадбирлар қўллаб-қувватланмоқда ва улар амалга оширилади, деб ўйлайман.

* * *

Суҳбат ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот гуруҳи томонидан тайёрланган.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.лар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгалланган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3; 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

МОДАДАГИ ПОЙАБЗАЛ— ЭНГ АЖОЙИБ СОВҒАДИР



«ТАШГОРОБУВЬРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Сизларга турли хилдаги дидингизга мос ва қулай пойабзалларни таклиф этади.

Пойабзал намуналари бўйича буюртмалар шаҳардаги барча қабул пунктлари томонидан қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефон 56-02-89.



САЁҲАТ-САЙР ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙЛАБ

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАЙ ОЙИДА

«РОҲАТ» САЁҲАТ ПОЕЗДИДА (Урганч—Бухоро—Самарқанд) — **26—31 май. Баҳоси—79 сўм;**

«ДИЛОРОМ» САЁҲАТ ПОЕЗДИДА (Самарқанд—Бухоро) — **18—21 май. Баҳоси — 49 сўм.**

Йўлланма баҳосига овқатланиш, жойлашиш, бориб-келиш ва сайр хизматлари ҳақи киради.

ИЮНЬ ОЙИДА

НАМАНГАНГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1500 сўм, бир кишига — 50 сўм, 1—3, 8—10, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

ҚЎҚОН—ҲАМЗАОБОДГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1665 сўм, бир кишига — 45 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

ФАРҒОНА—ҲАМЗАОБОДГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1528 сўм, бир кишига — 44 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

ФРУНЗЕГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 2183 сўм, бир кишига — 59 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

УШГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1369 сўм, бир кишига — 37 сўм, 1—3, 8—10, 22—24 июнь;**

ТАЛАСГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1500 сўм, бир кишига — 50 сўм, 15—17, 22—24 июнь;**

ШАҲРИСАБЗГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1665 сўм, бир кишига — 45 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь, 29 июнь — 1 июль;**

ЖАМБУЛГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1740 сўм, бир кишига — 58 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь;**

ҚОНИБОДОМ — ИСФАРА —ЛЕНИНОБОДГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1560 сўм, бир кишига — 52 сўм, 1—3, 8—10, 15—17 июнь, 29 июнь—1 июль;**

ТУРКИСТОН—КЕНТОВГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1850 сўм, бир кишига — 50 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

ОЛМАОТАГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 3120 сўм, бир кишига 104 сўм, 1—3, 8—10, 22—24 июнь, 29 июнь—1 июль;**

САМАРҚАНД—НАВОИЙ—БУХОРОГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1980 сўм, бир кишига — 66 сўм, 1—3, 15—17 июнь, 29 июнь — 1 июль;**

ЎРАТЕПА—ЛЕНИНОБОДГА **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1739 сўм, бир кишига — 47 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь;**

ПАНЖИКЕНТ—САМАРҚАНДГА, **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 1500 сўм, бир кишига — 50 сўм, 1—3, 8—10, 15—17, 22—24 июнь;**

ЧИМКЕНТГА, **1 кунга, 37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 450 сўм, бир кишига — 15 сўм, 2, 3, 9, 16, 17, 23, 24,30 июнь;**

САМАРҚАНДГА (1 кунга), **37 кишилик гуруҳ. Гуруҳ йўлланмаси баҳоси — 703 сўм, бир кишига — 19 сўм, 2, 3, 6, 9, 10, 13, 16, 17, 20, 23, 24, 27, 30 июнь.**

АВТОБУСДАГИ САЁҲАТ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ БАҲОСИГА ОВҚАТЛАНИШ, ЖОЙЛАШИШ, САЙР ХИЗМАТЛАРИ ВА БОРИБ-КЕЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ КИРАДИ.

ЙЎЛ ҚИЙМАТИ ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН ЙЎЛЛАНМАЛАР

ҚИШИНЕВ—БЕНДЕРИГА, **9 июндан** (16 кунга). **Баҳоси — 176 сўм;**

ҚИШИНЕВГА, **1 ва 14 июндан** (15 кунга). **Баҳоси — 140 сўм;**

ҚИШИНЕВГА («Озёрная»—Вадул—луй—Водэ саёҳатчилар базаси), **1, 13, 19 июндан** (20 кунга). **Баҳоси — 159 сўм;**

ФРУНЗЕ—ИССИҚҚЎЛ—ФРУНЗЕГА, **28 майдан (18 кунга). Баҳоси — 163 сўм;**

ФРУНЗЕ—ИССИҚҚЎЛ—ФРУНЗЕГА, **25 майдан** (16 кунга). **Баҳоси —130 сўм;**

КРАСНОДАРГА («Шапсуг» кемпинги — «Ўрмон кўли» саёҳатчилар базаси — «Туапсе» саёҳатчилар базаси), **20 майдан** (20 кунга). **Баҳоси — 141 сўм.**

Йўлланма баҳосига овқатланиш, жойлашиш, сайр хизмати харажатлари киради.

ИЮНЬ ОЙИДА (3—5 кунга)

ХАРЬКОВГА, **18—22 июнь. Баҳоси — 223 сўм;**

ВИДНОЕГА (Москва), **23—25 июнь. Баҳоси — 166 сўм;**

ВИЛЬНЮСГА, **10—14 июнь. Баҳоси — 227 сўм;**

БАУСКАГА, **3—6 июнь. Баҳоси — 232 сўм;**

ОДИНЦОВОГА (Россиянинг олтин ҳалқаси), **5—9 июнь. Баҳоси — 214 сўм;**

ЕРЕВАНГА, **8—12, 22—26 июнь. Баҳоси 209 сўм;**

АНИКШАЙГА («Шилялис» дам олиш уйи), **2—8 июнь. Баҳоси — 268 сўм;**

ҚАУНАСГА, **11—15, 25—29 июнь. Баҳоси — 231 сўм;**

ОЛМАОТАГА, **— 16—18 июнь, 29 июнь — 1 июль. Баҳоси — 96 сўм;**

ДАУГАВПИЛСГА, **10—15 июнь. Баҳоси — 277 сўм;**

ВОЛГОГРАДГА, **17—21 июнь. Баҳоси — 180 сўм;**

РИГАГА, **6—10, 13—17 июнь, 27 июнь — 1 июль. Баҳоси — 262 сўм;**

МОЛОДЕЧНОГА (Минск), **15—19 июнь. Баҳоси — 240 сўм;**

ҚАЛИНИНГРАДГА (Москва области), **8—12 июнь. Баҳоси — 210 сўм;**

МОСКВАГА, **8—10, 9—11, 15—17, 16—18 июнь. Баҳоси — 166 сўм;**

МОСКВАГА, **4—8, 12—16, 17—21 июнь, 29 июнь — 3 июль. Баҳоси — 228 сўм;**

КРАСНОГОРСККА (Москва области), **23—27 июнь. Баҳоси — 212 сўм;**

ЛИЕПАЯГА (Рига), **4—8 июнь. Баҳоси — 256 сўм;**

ТБИЛИСИГА, **4—8 июнь. Баҳоси — 270 сўм;**

ҚИШИНЕВГА, **3—7 июнь. Баҳоси — 254 сўм;**

ЮРМАЛАГА, **10—19 июнь. Баҳоси — 331 сўм;**

ҚИШИНЕВГА, **13—17, 18—22 июнь. Баҳоси — 308 сўм (10, 15, 20 кунга);**

БОРЖОМИГА, **10—30 июнь. Баҳоси — 330 сўм;**

БИРШТОНАСГА, **26 июнь — 5 июль. Баҳоси — 284 сўм;**

ЕССЕНТУҚИГА, **11—30 июнь. Баҳоси — 318 сўм;**

РИГА—ВИЛЬНЮСГА, **5—14 июнь. Баҳоси — 324 сўм;**

ЯЛТАГА, **8—28 июнь. Баҳоси — 385 сўм;**

ДРУСКИНИНКАЙГА, **12—23 июнь. Баҳоси — 309 сўм;**

УСТЬ—КАМЕНОГОРСККА («Олтой кўрфази» саёҳатчилар базаси), **10—22 июнь. Баҳоси — 193 сўм;**

ВЕНТСПИЛС—СИГУЛДА—ТАРТУГА, **9—25 июнь. Баҳоси — 439 сўм;**

ҚАЛИНИНГРАД—ҚАУНАСГА, **16—25, 6—15 июнь. Баҳоси — 317 сўм;**

ГУДАУТАГА, **17 июнь — 7 июль. Баҳоси — 373 сўм;**

ПУШЧА—ВОДИЦАГА (Киев), **1—15 июнь. Баҳоси — 345 сўм;**

ВЛАДИМИРГА, **7—26 июнь. Баҳоси — 345 сўм;**

БИРШТОНАС—ПАЛАНГАГА, **14 июнь — 3 июль. Баҳоси — 463 сўм;**

СЕВАСТОПОЛГА, **11—22 июнь. Баҳоси — 303 сўм;**

БРЯНСККА (ўқувчилар), **11—20 июнь. Баҳоси — 255 сўм;**

ОЗЕРИГА (Москва яқини), **15—24 июнь. Баҳоси — 255 сўм;**

ҚОХТЛА—ЯРВЕГА («Кордон» сайёҳлар базаси), **19—23 июнь. Баҳоси — 251 сўм;**

ЧЕРНОВЦИГА («Буковина» сайёҳлар базаси), **6—15 июнь. Баҳоси — 318 сўм;**

СОЧИГА, **2—22 июнь. Баҳоси — 401 сўм;**

МАРИУПОЛГА, **2—17 июнь. Баҳоси — 337 сўм;**

РИГА—ҚАУНАСГА, **18—27 июнь. Баҳоси — 326 сўм;**

СОЧИ—ДАГОМИСГА (хусусий сектор), **6—16 июнь. Баҳоси — 257 сўм;**

БЕЛИНСКИЙГА (Пенза, «Чембар» сайёҳлар базаси), **11—30 июнь. Баҳоси — 380 сўм;**

РОСТОВ—ДОНГА, **7—14 июнь. Баҳоси — 262 сўм;**

ПЕНЗАГА («Қалдирғоч» меҳмонхонаси), **11—25 июнь. Баҳоси — 312 сўм;**

САРАТОВГА («Словакия» меҳмонхонаси), **11—25 июнь. Баҳоси — 284 сўм;**

ҚАЛИНИНГРАД—ПАНЕВЕЖИСГА, **18—30 июнь. Баҳоси — 385 сўм;**

ЛАЗАРЕВСКОЕГА (Сочи), **10—30 июнь. Баҳоси — 352 сўм;**

МОСКВАГА, **3—12 июнь. Баҳоси. — 315 сўм;**

ҚАЛИНИНГРАД-МИНСККА, **17—24 июнь. Баҳоси — 294 сўм;**

ТОЛЬЯТТИГА («Жигули» сайёҳлар базаси), **3—17 июнь. Баҳоси — 281 сўм;**

ДИМИТРОВГРАДГА, **11—20 июнь. Баҳоси — 256 сўм;**

СУХУМИГА, **18 июнь — 7 июль. Баҳоси — 243 сўм;**

ЧЕРКЕССК-ТАБЕРДАГА («Кавказ тонглари» пансионати), **4—14 июнь. Баҳоси — 334 сўм;**

ОДЕССАГА, **1—15 июнь. Баҳоси — 380 сўм;**

ҚАУНАС — САУЛЕСКАЛЕС — СИГУЛДАГА, **4—19 июнь. Баҳоси — 467 сўм;**

НОВОМОСКОВСККА (Днепропетровск области, «Самара» сайёҳлар базаси), **2—16 июнь, 17 июнь — 1 июль. Баҳоси — 284 сўм.**

Йўлланма баҳосига самолётда бориб-келиш, овқатланиш, жойлашиш, сайр хизмати харажатлари киради.

Йўлланмаларни олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700011, Тошкент шаҳри — 11, Навоий кўчаси, 69-а уй (метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-12-96.

«Тошкент саёҳатчиси» ишлаб чиқариш бирлашмасининг саёҳат-сайр йўлланмаларини сотиш бюроси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ

(Тошкент Давлат Университетининг маданият саройи биносида)

12, 19 МАЙ КУНИ СОАТ 19.00 ДА

САИД АҲМАД асари

ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ

(2 пардали ҳазил)

Бош ролда — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати

ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

Танаффус вақтида: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Ёдгор САЪДИЕВ, Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Саида РАМЕТОВА, артистлар: Муножот ТЕШАБОЕВА ва Шавкат ТОЛИПОВЛАР куйлайди.

Билетлар «Ёш гвардия» театри кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Жавоб берувчи телефон: 44-56-52, 44-11-70.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 МАЙ КУНИ СОАТ 20.00 ДА

12—13 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁУ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ЁШЛАР УЙИ»

СИЗ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ

«Дўстлик тароналари»

КАТТА КОНЦЕРТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Эътиборингизга «Камолот-89» жумҳурият кўриги ғолиби, хушовоз хонанда МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ раҳбарлигидаги «НИҲОЛ», шунингдек фестиваль ва ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган О. К. ШАРМА раҳбарлигидаги «МАҲЭК» ансамбллари ўзларининг биргаликдаги программаларини тақдим қиладилар.

Ўйлаймизки, бу томошалар сизга албатта маъқул бўлади.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда. Кўпчилик бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да **Шайтон муридлари**, 12/V да **Табассум оқшоми.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Фармонбиби аразлади** (19.00, ТошДУнинг Маданият саройи биносида).

КИНО

11, 12, 13 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚ ҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40); «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — (ёзги) — «ТАЗНИҚ ОСТИДА» (20.10).

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ
12 МАЙДА
техникумга кириб ўқишни хоҳлаганларни

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сизни техникумда тайёрланадиган мутахассисликлар, студентларнинг ижодий ишлари, анъаналари, дам олишлари ва спортдаги ютуқлари билан таништирадилар.

Техникум макони: 700117, Чилонзор ноҳияси, 20-квартал, Пограничная кўчаси, 52-уй. 50, 69, 78 автобусларнинг «Мевазор» маҳалласи (17-трамвайнинг 37-СПТУ; 6, 19-троллейбусларнинг «20-квартал» бекатлари).

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 76-67-98; 74-26-89.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сивец кўчаси бўйлаб водопровод ётқизилиши муносабати билан

11 майдан бошлаб вақтинча

22, 48-АВТОБУСЛАР ҲАРАКАТИ Шолохов, Кадишев, Бирлашган, Валихонов кўчалари бўйлаб ва у ёғига ўз йўналиши бўйича;

6, 106, 161-АВТОБУСЛАР ҲАРАКАТИ Шолохов кўчасидан Оҳангарон шоссесигача бир йўналишда, орқага қайтишда — Оҳангарон шоссесидан Бирлашган, Кадишев кўчалари бўйлаб ва у ёғига ўз йўналиши бўйича

ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

34-82-89 телефони орқали қўшимча маълумот олиш мумкин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар йўловчилари транспортини мувофиқлаштириш бошқармаси.

«Ўзбекконцерт» Жумҳурият гастроль-концерт бирлашмаси жамоаси бирлашма солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Камолхўжаевга онаси

Рисолат ҚАЮМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ҳамда радиоэлектроника ва автоматика факультети жамоаси «Электротехника назарий асослари» кафедраси мудири, профессор З. И. Исмоилова онаси

Саври ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институтининг ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда чет тиллар кафедраси жамоаси чет тиллар кафедраси мудири, доцент

Анвар Содиқович ЮСУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Металлобитремонт» Тошкент Бош корхонаси жамоаси цех бошлиги Т. Иброҳимовга онаси

Мелиниса ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 03213.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.